

TOSHKENT OQSHOMI



Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

№ 29 (14,132) 20 ИЮЛЬ, ПАЙШАНБА 2023 йил

Шаҳар ижтимоий-сиёсий газетаси



vtto.uz



vtto_uz@mail.ru



@Toshkent_oqshomi



Toshkent oqshomi



Toshkent Oqshomi_24



АНОНС



“ТЕЗ ЁРДАМ”
КИРОЛМАЙДИГАН
КЎЧА



ЁШЛАР
СИЁСАТИ



СУНЪИЙ ИНТЕЛЛЕКТ



ЎЗБЕКИСТОН ТУРК ДУНЁСИ ФОТОГРАФЛАРИ НИГОҲИДА

Тошкент Фотосуратлар уйида “Ўзбекистон турк дунёси фотографлари нигоҳида” деб номланган фотокўргазмасининг очилиш маросими бўлиб ўтди.

Маросимни Маданият ва туризм вазири ўринбосари Б.Аҳмедов кириш сўзи билан очиб, кўргазма ишига муваффақият тилади.

Жорий йилнинг 30 июнь – 20 июль кунлари ТУРКСОЙга аъзо давлатлардан келган 21 нафар маҳоратли фотограф юртимизнинг турли нуқталарида бўлиб, диққатга сазовор жойлар, туризм қишлоқлари ва маданий мерос объектларидан медиаконтентлар тайёрлашди.

Ижодкорлар вазирлик томонидан тақдирланди.



ПОЙТАХТ ИНФРАТУЗИЛМАСИ ЯНГИЛАНМОҚДА

Пойтахт инфратузилмаси янгиланиш ишлари доирасида йил бошидан ҳозиргача:

- 184 429 п/м пиёдалар йўлаклари янгидан қурилди.
- 43 350 п/м пиёдалар йўлаги таъмирдан чиқарилди.
- 86 375 п/м велосипед йўллари қурилди.
- 1200 тадан ортиқ кўп қаватли уйлар ертўлаларидаги муҳандислик-коммуникация қувурлари янгиланди.
- 20 км. атрофида иссиқлик қувурлари янгиланди.
- 170 км.дан зиёд иссиқлик қувурлари жорий таъмирланди.
- 20 км.дан зиёд иссиқлик қувурлари изоляцияси амалга оширилди.
- Кўп қаватли уйларнинг 400 дан ортиқ йўлаклари таъмирланди.

БЮРОНИНГ 6 ОЙЛИК САРҲИСОБИ

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 30 майдаги ПҚ-3016-сон қарори билан тасдиқланган “Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Мажбурий ижро бюроси тўғрисида”ги Низомининг 15-банди е-кичик бандига асосан “Туманлараро ихтисослаштирилган ижро бўлимларида ижро ҳужжатларининг ижросини соддалаштирилган тарзда таъминлаш ҳамда ҳисобини юритиш тўғрисида”ги 2022 йил 25 май кундаги Бюро директорининг 82-сонли буйруғи асосида Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳар ва вилоятларнинг барча ҳудудий бошқармалари таркибида туманлараро бўлимлари соддалаштирилган тартибда ўз иш фаолиятини бошлаган.

Жумладан, Тошкент шаҳар туманлараро бўлимлари давлат ижрочилари томонидан жорий йилнинг 1 январидан 30 июнь кунига қадар амалга оширилган ишлар таҳлилида кўришимиз мумкинки, ўтган ярим йиллик даври мобайнида бўлим иш юритувига келиб тушган суд ҳужжатлари ва бошқа орган ҳужжатлари асосида белгиланган қарздор жисмоний шахсларга қўлланган маъмурий жарималар, солиқ қарздорлиги ва давлат божини ундириш билан боғлиқ жами 296 млрд. 719 млн. 160 минг сўмлик 405 701 та ижро ҳужжатлари бўлим иш юритувига қабул қилинган.

Бўлимнинг ярим йиллик иш фаолияти давомида бўлим давлат ижрочилари томонидан жами 79 млрд. 7 млн. 470 минг сўмлик 214 851 та ижро ҳужжатларининг ижроси таъминланиб, тамомланган ва тугатилган.

Бундан ташқари, “Суд ҳужжатлари ва бошқа орган ҳужжатлари ижро этиш тўғрисида”ги Қонуннинг 413-моддасига асосан ижро ҳужжати уни берган суднинг ёки бошқа органнинг талабига биноан ижро этилмасдан қайтарилганлари 1296 та 3 млрд. 267 млн. 170 минг сўмлик ижро ҳужжатларини ташкил этган ва ушбу Қонуннинг 37-моддаси асосида ижро ҳужжатини беришга асос бўлган суд ҳужжати ёки бошқа органнинг ҳужжати бекор қилинганлари эса 878 та 1 млрд. 754 млн. 570 минг сўмлик ижро ҳужжатлари тугатилган ва ижро ҳужжатларининг ижроси таъминланган.

Бюронинг Тошкент шаҳар туманлараро бўлимлари томонидан тасдиқланган режани бажариш ишларини янада жадаллаштирилиши юзасидан тегишли чора-тадбирлар белгиланган ҳолда ишлар давом эттирилмоқда.

БИРГАЛИКДА ЁНҒИНЛАРНИНГ ОЛДИНИ ОЛАЙЛИК!



Фуқаролардаги лоқайдлик ва бефарқлик туфайли яшаш жойларида ҳамон ёнғинлар содир бўлиб турибди. Ачинарлиси, кимнингдир айби билан содир бўлган ёнғин кўплаб моддий бойликларни кулга айланиши, уй-жойсиз қолишига сабаб бўлаётир.

Пойтахтимизда фавқулодда ҳолат ёки ёнғин хавфсизлиги, техника хавфсизлиги қоидаларига амал қилишнинг аҳамияти катталиги ва турли кўнгилсизликларнинг олдини олиш мақсадида “Ёнғин хавфсизлигини таъминлаш бўйича долзарб 30 кунлик” тадбири ўтказилмоқда. Ушбу тадбирларда барчамиз фаол иштирок этишимиз муҳим аҳамиятга эга.

Фуқаролар ёнғин хавфсизлиги қоида-талабларига риоя этишлари, лоқайдлик ва эътиборсизлик сингари иллатлардан холи бўлиб, ёнғинларга олиб келувчи омилларни бартараф этилишида соҳа ходимларига яқиндан ёрдам беришлари лозим. Чунки ўз уйи ва ўзгалар ҳаёти учун жавобгарлик ҳар бир кишининг виждон иши бўлиши керак. Ёнғин хавфсизлигини таъминлашда фаоллик кўрсатиш бурч эканлигини унутмаслик зарур.

Қ.РАИМОВ

Янгиҳаёт тумани ФВБ П ва НБ инспектори, майор

“Ёнғин хавфсизлигини таъминлаш бўйича долзарб 30 кунлик” тадбири доирасида Янгиҳаёт тумани Фавқулодда вазиятлар бўлими ходимлари томонидан юзага келиши мумкин бўлган фавқулодда вазиятларнинг олдини олиш ва ёнғин хавфсизлигини таъминлаш борасида туман ҳудудида жойлашган аҳоли яшаш жойлари ва давлат тасарруфидаги барча объектлар ҳамда корхона-ташкilotлар ўрганилмоқда. Ўрганишлар натижасида аниқланган ёнғинга қарши тадбирлар юзасидан маскан раҳбарларига тавсиялар берилмоқда. Ҳозирги кунда туманда янги қурилаётган қурилиш объектларида қурилиш ишларини олиб бораётган қурувчи ходимлар билан техника хавфсизлиги, ёнғин хавфсизлиги ва фавқулодда ҳолатлар ҳамда меҳнат муҳофазаси қоида-талабларига амал қилиш юзасидан тарғибот ва ташвиқот ишлари олиб борилиб, учрашув ва суҳбатлар ўтказилмоқда.

М.ЖОЛДИБАЕВ,

Янгиҳаёт тумани ФВБ мутахассиси, катта сержант



Юзага келиши мумкин бўлган фавқулодда вазиятларнинг олдини олишнинг энг самарали усули бу – профилактика.


Янгиҳаёт тумани “Хушнуд” маҳалласидаги 16 қаватли турар-жой бинолари қурилаётган объектда ишлаётган қурувчилар-муҳандис, бригадир, қурувчи, ишчи ва хизматчилар ўртасида тадбир ўтказилди. Унда ёнғин хавфсизлиги қоидаларига, ШНҚ ва бошқа амалдаги меъёрий-норматив ҳужжатларга амал қилишлари муҳимлиги таъкидланди. Бундан ташқари, тасдиқланган лойиҳа ҳужжатларига асосан қурилиш ишларини олиб бориш, қурилаётган бино ва иншоотлар ички ҳудудида ёнғин модда ва материалларни сақламаслик, вақтинчалик турар жойларида носоз ва қўлбола газ балонлари, электр печка ва электр симлардан фойдаланмаслик, қурилиш ишлари олиб борилаётган ҳудуд атрофида очиқ жойлар қолмаслиги ва аҳоли ва ёш болалар қурилиш ишлари олиб борилаётган ҳудудга киришлари тақиқланиши борасида тушунтириш ишлари амалга оширилди.

Тадбир доирасида мутахассислар томонидан қурувчилар, ишчи-хизматчилар ўзларининг қизиқтирган саволларига атрофлича жавоблар берилди.

С.МАҲКАМОВ,

Янгиҳаёт тумани ФВБ НТБ бошлиғи, лейтенант

“Тез ёрдам” киролмайдиган кўча



Тахририятимизга пойтахтимизнинг Юнусобод туманидаги “Йўл айриқ” маҳалла фуқаролари номидан шикоят хати келиб тушди. Унга кўра, Амир Темур шоҳ кўчасининг Юнусобод чорраҳасидан Уч қаҳрамон постига қадар бўлган катта йўлда олиб борилаётган қазилма ишлари чўзилиб кетганлигидан маҳалла аҳли азият чекаётган экан. Биз вазиятни ўрганиш учун воқеа жойига бордик.

Амир Темур шоҳ кўчаси бўйлаб юрар эканмиз, бу ердаги аҳвол ҳақиқатан ҳам аянчи эканлигига гувоҳ бўлдик. Гап шундаки, катта кўчада жойлашган 5 та кўчага кириш йўллари бутунлай ёпиб қўйилиб, ҳеч қандай кўприк қўйиб берилмаган. Бундан ташқари, кўча юзида жойлашган ошхона ва тамаддиҳоналарнинг олди ҳам кавлаб ташланган бўлиб, чуқур устига қўйилган қўлбола кўприклардан ўтишга ҳайиқасан киши. Олиб борилаётган қазилма ишлари туфайли йўл анча торайган. Бунинг устига ўз кўчасига кира олмаганлиги сабабли йўл юзига қўйиб кетилаётган автомобиллар туфайли айрим жойларда транспорт воситалари битта йўлақдан ва ҳаттоки қарама-қарши ҳаракатланишга ҳам мажбур бўлмоқда. Яна таъмирлаш ишлари кетаётган ҳудудга тезликни чекловчи ҳеч қандай белгилар қўйилмаган. Бизга шикоят билан чиққан маҳалла аҳлининг сўзларига кўра, қазилма ишлари фуқароларни огоҳлантирилмасдан бошланган.

Худойберди АБДУРАҲМОНОВ (81 ёшда):

– Маҳалламизга янги кабель ўрнатилаётганидан хурсандмиз албатта. Аммо наҳотки шу ишларни режа билан амалга ошириб бўлмас? Бизга ҳеч қандай огоҳлантириш бермасдан қазилма ишларини бошлаб юборишди. Натижада



катта кўчадан маҳалламизга кириш йўллари ёпилди. На дўконга, на поликлиникага чиқа оламиз. Бу аҳвол икки ойдан бери давом этмоқда. Чуқур устига қўйилган қўлбола кўприклардан амаллаб ўтган тақдирингизда ҳам ҳаётингизни хавфга қўйиб, автомобиль йўлининг иккинчи “чизиги”дан юришингизга тўғри келаяпти. Автомобиллар “учиб” ўтапти. Набираларимиз бор, ёз бўлишига қарамай кўчага чиқаришга қўриқиб, уйда олиб ўтирибмиз. Икки ойни ичида бир болани машина уриб кетди. Мактабдан чиқаётган яна бир қизча чуқурга тушиб кетиб, ҳозирда касалхонада ётибди. Бундан ташқари, яна бир қария чуқурдан ўтаман, деб йиқилиб, оёғи синди, у ҳам ҳозир шифохонада. Яна бир қариямиз инсульт бўлиб қолди. Кўчага “Тез ёрдам” машинаси кира олмаганлиги сабабли чолни амаллаб катта кўчага кўтариб олиб чиқишди. Қўлбола кўприкдан олиб ўтаётганда сал қолди тушириб юборишларига, кўпчилик бўлиб амаллаб “Тез ёрдам” машинасига олиб чиқдик.

Мен ҳар куни ишчилар қандай ишлаётганини кўриш учун чиқаман. Қазилма ишлари бошланганига икки ойдан ошган бўлса, ҳафтада 3-4 соат ишлаб кетиб қолишади. “Ҳа”, десам, “Бўлди энди бир ҳафтадан кейин келамиз”, деб айтишади. Бошида ерни қазиб қўйишди, шу билан 15 кун ётди. Ҳеч ким ҳеч нарса қилмади. 15 кундан сўнг бетон лотокларни олиб келиб ташлашди-да, яна иш тўхтади. Битта кабель ташлашди, ўн кун ўтгандан кейин иккинчи кабелни ташлашди. Шу аҳвол икки ярим ойдан бери давом этапти. Бу ишлар қачон ниҳоясига етади, ҳеч ким билмайди. Президентимиз аҳолининг турмуш тарзини яхшилаш борасида яхши фармон ва қарорлар чиқаряпти. Аммо ижрога келганда, айрим масъуллар томонидан мана шундай сусткашликларга йўл қўйилмоқда. Биз қийналиб кетдик, масъуллардан кўчамизни тезроқ битириб беришларини сўраймиз.

Айтиш жоизки, Амир Темур шоҳ кўчасида турли хизмат кўрсатиш шохобчалари жойлашган бўлиб, икки ойдан ортиқ вақт давом этаётган қазилма ишлари сабабли уларнинг аксарияти тўлақонли фаолият олиб боролмаяпти.

Абдулазиз МАЖИДОВ, Автомобилларга техник хизмат кўрсатиш шохобчаси устаси:

– Устахонамиз Амир Темур шоҳ кўчаси четиде жойлашган бўлиб, бу ерда олти йилдан бери ишлайман. Қазилма ишлари бошлангани сабабли устахонага кириш йўли ёпилиб қолди. Бунинг устига устахонанинг олди қисми тупроқ уюмлари билан деярли ёпилиб қолган. Икки ой давомида ишлай олмадик. Ахир биз ҳам оила боқамиз, бунинг устига ижара пули ҳам бор. Мана бир ҳафта бўлди, чуқур устига темир бўлақларидан амаллаб қўлбола кўприк ётқиздик. Аммо мижозларимизни деярли йўқотиб бўлдик. Дойимий мижозларимизни телефон қилиб чақиряпмиз. Аммо кўпчилик кўприк устидан ўтишга қўрқяпти. Чунки, шу пайтга қадар нечта машина тушиб кетди чуқурга. Устахона олдидаги тупроқни олишга ваъда беришганди, аммо ҳали ҳам бажаришмади. Ҳеч бўлмаганда шу тупроқни олишганда ҳам, маҳалла ичидан автомобиль олиб киришга йўл очиларди. Бу аҳволда яна қанча ишлаймиз, билмаймиз. Ҳеч ким тайинли гап айтмайди. Бошида 10 кунга деб айтишганди. Мана икки ой ҳам ўтди. Аммо чуқурни ёпишдан ҳали ҳам дарак йўқ.



Амир Темур шоҳ кўчасида олиб борилаётган қазилма ишлари натижасида кириш ёпилиб қолган 4 та кўчада яшовчи аҳоли айланма йўллар билан уйига боришига тўғри келмоқда. Аммо бу ерда боши берк кўча ҳам жойлашган бўлиб, ушбу кўчада яшовчи қариялар ҳатто поликлиникага ҳам бора олишмаяпти.

Малика ИСОМОВА (72 ёшда):


– Биз боши берк кўчада истиқомат қиламиз. Кўчадаги бешта хонадоннинг ҳаммасида қариялар бор. Мен ўзим ҳам юра олмайман. Май ойида қазилма ишлари



бошланган бўлса, шундан бери уйда ўтирибман, ҳеч қаерга боролмадим. Чунки кўчамизга на машина кира олади, на ундан чиқа олади. Ҳатто поликлиникага ҳам чиқолмаяпмиз. Ён кўшним кекса ёшдаги ногирон киши, унинг қон босими бор. Шунинг учун дам-бадам “Тез ёрдам” машинаси чақиряпти. Яқинда яна касали хуруж қилиб қолди. “Тез ёрдам” киролмаганлиги учун беш киши кўтариб амаллаб олиб чиқишди. Энди эса қариндошларининг уйида яшашига тўғри келаяпти. Яна бир кўшнимиз 85 ёш, оёғи шол бўлиб қолган кекса аёл. У ҳам тиббий хизматга муҳтож. Агар худо кўрсатмасин, ёнгин юзага келса, кўчамизга ҳатто ўт ўчириш машинаси ҳам кира олмайди. Бу ишлар қачон тугатилади, деган саволга эса жавоб йўқ. Мутасаддилардан илтимосим, биз қарияларни ҳам уйлаб, тезроқ йўлларни битириб беришсин.

Жамила СОЛИҲОВА:

– Биз ўтган йили шу маҳаллага кўчиб келдик. Уйимиз боши берк кўчада жойлашган. Мен узоқ юра олмайман. Оёқларим оғрийди, ҳансираб қоламан. Фарзандларимнинг автомобили икки ойдан бери уйда турибди. Тўй қилмоқчи эдик, тўхтади, уйимизга мебель ҳам олиб киролмадик. У ҳам майли бу кўчада яшовчи қарияларнинг ҳеч бири поликлиникага чиқа олмаяпти. “Тез ёрдам” чақирсангиз, у ҳам кўчага киролмади. Мен мутахассис эмасман, лекин ҳар бир ишни режа билан амалга оширсан бўлади. Ҳеч бўлмаганда огоҳлантириш ҳам беришмади. Ахир мутасаддилар боши берк кўчани ҳисобга олиб, қандайдир қулайликларни яратиб берса бўларди? Аҳолини шунчалик қийнаш шартми?! Мутасаддилардан илтимосим, чуқурни тезроқ ёпиб беринг, бизга кўп нарса керак эмас, йўлимиз очиб бўлса бўлди!



Юнусобод туман ҳокимлиги томонидан тақдим этилган маълумотга кўра, Амир Темур шоҳ кўчасида олиб борилаётган қазилма ишлари Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Тошкент шаҳридаги истеъмолчиларни энергия ресурслари билан барқарор таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарори асосида “Худудий электр тармоқлари” АЖ томонидан амалга оширилаётган бўлиб, ушбу ишларга туман ҳокимлигининг ҳеч қандай алоқаси йўқ. Албатта, Тошкент шаҳри аҳолисини кўшимча электр энергияга бўлган эҳтиёжини қоплаш мақсадида амалга оширилаётган бу каби ишлар таҳсинга сазовор. Аммо “Йўл айриқ” маҳалласи аҳолини қийнаётган бир савол бор. У ҳам бўлса: “Қазилма ишлари қачон ниҳоясига етказилади?”. Ушбу саволга жавобни “Худудий электр тармоқлари” АЖдан кутиб қоламиз.

Шоҳида ЗУФАРОВА тайёрлади

Ўзбек кулги санъати:

КЕЧА ВА БУТУН



Халқимиз азалдан ҳазил-мутойибани яхши кўради. Кулгига асосланган аския санъатимиз маданиятимизнинг ўзига хос алоҳида бўлаги ҳисобланади. Рустам Ҳамроқулов айнан аския асосида шаклланган ўзбек яккахон қизиқчилигида ўз маҳоратини биринчилардан бўлиб намоён этган ижодкор. Йўқ, бугун биз Рустам Ҳамроқулов ижодига тўхталмаймиз. Ўзбекона, халқона, содда-самимий кулгиларимизнинг бугунги жаранги қандай? Биз бугун кимнинг қайси гапи-ю, кимнинг қайси қилиғига кулаёмиз?.. Мана шу саволлар бизни ёзишга ундади.

Рустам Ҳамроқуловдан кейин Мирзабек Холмедов, Ҳожибой Тожибоев, Обид Асомов каби сўз усталари яккахон қизиқчилигида ўзига хос мактабни ярата олди. Уларнинг ҳар бири алоҳида-алоҳида шаклланган юлдузлар!

Фурсат ўтиб майдонда “Кўзгу” театри пайдо бўлди. Ушбу жамоада Тўхтамурод Азизов, Мирзабек Холмедов, Собит Асомов, Обид Асомов, Ботир Муҳаммадхўжаев сингари эстрада актёрлари бор эди. Улар ўз чиқишларида жамиятда учрайдиган иллатларни сатирик кулги билан саҳнага олиб чиқар эди. Халққа яқин муаммоларнинг кулги билан берилиши театрнинг обрўсига яхшигина хизмат қилади. Вақт ўтиб “Кўзгу”нинг актёрлари “Мирзо” ва “Обид А” театрларига бўлинади. Бу воқеа кулги санъатимизда жамоа бўлиб ишлаш тушунчаларини такомиллаштиришга муносиб хизмат қилди.

Замоннинг зайли билан “Мирзо” театрининг ҳам, “Обид А” жамоасининг ҳам иштирокчилари алоҳида яккахон концертлар бера бошлади. Бу пайтга келиб майдонда “Ҳандалак”, “Қаҳқаҳа” каби гуруҳлар пайдо бўлди. Икки театр жамоаси ҳам томошабинлар эътиборини халқчиллиги, оилавий ҳазиллари билан забт этди.

Йиллар давомида кулги майдонига “кулдираман”, деб қанчаси келиб кетди. Қолганлари бармоқ билан санарли...

Айни кунларда саҳнамизда Аваз Охун, Санжар Шодиев, Жамшид Норматов, Нодир Лўли каби кулги усталари ижод қилмоқда. Аваз Охуннинг ижод йўлини оладиган бўлсак, у ўз чиқишлари, ёндошувларида сўз устаси Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Ҳожибой Тожибоевни эслатаверади. Унинг чиқишлари Ҳожибой Тожибоевни соғинган томошабинларга хуш ёқади. Қизиқчининг концертларида катта ва ўрта авлод вакиллари кўпчиликни ташкил қилади. Демакки, унинг чиқишларини оилавий хотиржам томоша қилиш мумкин. У олтин ўрталикни топган, меъёрдан ўтмайдиган қизиқчи сифатида танилди. Аваз Охуннинг ўз хатти-ҳаракатлари ва мимикаси орқали мавзуни олиб чиқиши ҳаммада ҳам топилавермайдиган жиҳат. Қизиқчининг концерт дастуридан ўрин олган тўйдаги сарпо-суруқ, ИПХ ходимлари, оила, санъаткорлар, карантин, ўзбек футболчилари каби мавзулари жуда муваффақиятли чиққан. Бундан ташқари, Санжар Шодиев, яқин уч-тўрт йилдан бери фаолияти кўзга кўринган Жамшид Норматовни ҳам томошабинлар илиқ кутиб олди. Шунингдек, ҳаётини ҳазилларни ноодатийроқ кўрсатиб бера оладиган Миршакар Файзуллоев ҳам анчагина профессионал ва савияли. Бир сўз билан айтганда, бу инсонларнинг ҳазилларида юк бор.

Мустақиллигимизнинг илк йилларидан бошлаб йўлга қўйилган “Қувноқлар ва зукколар” беллашуви 2007-2008 йилларга келиб анчагина танилди ва кўпчиликда қизиқиш уйғота олди. Бунинг энг биринчи сабаби визуал техникалардан фойдаланиш бироз осонлашгани, яъни ҚВЗ беллашувлари суратга олиниб, диск ва бошқа визуал йўллар билан тарқала бошланганлиги дейиш мумкин. Яна ўзбек кулги санъати вакиллари сўнгги йилларда асосан якка тарзда концерт берганлиги боис ҳам, жамоавий кулгини томошабин соғинган эди. Шунингдек, ўша йилларда энди-энди оммалашаётган мобил телефонлар орқали кўлаб ёшлар ўзаро маълумот алмашиш йўли билан ҳам ҚВЗнинг машҳурлигига бевосита ҳисса қўшди. Жамоаларнинг беллашувларида олиб чиқилган энг кулгили кўринишлар, ҳазиллар телефондан телефонга кўчди. Бу беллашувларда иқтидорли орқали ажралиб турган иштирокчилар бир жамоа бўлиб концерт дастурларини мухлисларга ҳавола қилишди. Бугун “Дизайн”, “Миллион”, “Браво”, “Максимум” деб номланган кулги жамоалари айнан ҚВЗнинг “оиласига мансуб”!

ҚВЗнинг иқтидорли иштирокчиларидан ташкил топган “Миллион” жамоасининг биринчи концерти 2014 йилда бўлиб ўтган. Илк чиқиш муваффақиятли ўтганидан сўнг, жамоа ҳар йили икки мартабадан анъанавий концертлар уюштирарди. Жамоа ўзининг қалтис ҳазиллари сабабли бир неча бор лицензиясидан ҳам “айрилди”. Бироқ, бизнинг “кўнглибўш” масъулларимиз маълум миқдордаги жарималар эвазига лицензияни қайтариб бераверишади. Кейин яна жамоалар маънавият масалаларига “кўзларини юмиб” концертларини кўяверади. Тан олиш керак, кўлаб долзарб мавзу ва муаммоларни сатира орқали профессионал кўрсатиб бера олишади. Масалан, сифатсиз машиналаримиз, таъмирталаб йўллар, ҳокимликдаги порахўрликлар деярли ҳар концертда кўтариладиган мавзулардан. Бу қувонарли ҳол, албатта. Чунки, кўпчиликнинг диққат-эътиборида бўлиб турган шахслар томонидан гапирилган муаммо тезроқ ечимини топади. Шу билан бирга улар тарғиб қилган нарсаси ҳам жуда тез оммалашади. Жумладан, гиёҳванд моддалар истеъмол қилувчи шахслар деярли ҳар бир жамоа томонидан ҳар концертда олиб чиқиладиган мавзу. Афсуски, бу одамлар ночор, гиёҳванд моддалар истеъмолидан оғир ҳолатга тушган ҳолатда кўрсатилмайди. Унинг гуноҳ ва соғлиқ учун зарар эканлигига ҳам деярли эътибор берилмайди. Аксинча, бундай одамлар кўпни кўрган, ҳаётдан мамнун, қандай яшашни биладиган одамлардек гавдалантирилади. Бу саҳналарни кўраётган юзта ўсмирнинг ҳеч бўлмаганда бир нафари гиёҳванд моддаларнинг энг оддий турини бўлса ҳам татиб кўрмаслигига ким кафолат беради? Энг ачинарлиси, у бу ҳолатга салбий нигоҳ билан қарамайди.

Шунингдек, “бузук” аёллар маҳалланинг “Наргизахони” образида тез-тез гавдалантирилади. Бегона қиз саҳнанинг четида ёлғиз ўзи туради. Саҳнанинг бу четида турган бир неча эркаклар эса қизни “ўраш” учун навбатма-навбат қизга гап отишади. Бундан бир неча йиллар аввал, бундай саҳна кўринишларини томошабин қабул қила олмасди. Мана қайта-қайта намоёнлардан сўнг томошабин ҳам бу ҳолатга кўникди. Концерт давомида залда ўтирган томошабинларнинг юзида фақат кулгини кўриш мумкин. Бунга ўхшаш кўринишлар жуда кўп, масалан, эркак ўз олдига калта ва тор кийинган баланд бўйли бошқа миллат қизларини йиғиб олиб мардонавор ғурурланиб гапирди. Ўзбек аёли эса содда, кўримсиз, муомала маданияти паст қилиб кўрсатилади. Бундай саҳна кўринишларини деярли барча жамоаларнинг концертида учратиш мумкин. Шу ўринда бир савол туғилади. Бу жамоалар жамиятдаги муаммоларни профессионал тарзда кулги йўли билан кўрсатиб бера олишади, лекин нега яна бемаъни мавзуларга кўл урилаверади. Бу ҳолатга аҳли илмлар ҳам бир неча бор эътироз билдиришди. Бироқ, бергина концертдан тушадиган миллионлаб пуллар танқидларнинг “йўлларини тўсиб” қўйгандек. Бундан ташқари, эркак ўз аёлидан кўрқадиган, унинг олдига обрўсиз қилиб кўрсатиладиган саҳналар ҳам анчагина. Энг ачинарлиси, дунёда бир жинслилар ўртасидаги никоҳ тарғиботи авж олган ва бу муаммо маданиятимизга таҳдид солиб турган бир пайтда бизнинг кулги жамоалари энгилтабиат эркаклар ролини ўйнашдан тап тортмаяпти. Уларга нисбатан нафрат кўзи билан қарашни шакллантиришнинг ўрнига кулги кўзи билан қарашга ўргатишмоқда.

Сизга “Браво” жамоасининг мактабдаги битирув оқшоми ҳақидаги саҳна кўринишини эслатмоқчимиз. Барча валсага тушмоқда, йигитнинг қўли қизнинг белидан паства қараб тушмоқда. Шу пайт чироқ ўчади ва ёнгандан сўнг қизнинг олдига мактаб директори турибди. “Хўп дегин, бир кеча меҳмонинг бўлай” қўшиғи оҳанги остида яна бир қанча хатти-ҳаракатлар амалга оширилади. Бу концертни қанчадан-қанча мактаб ўқувчилари томоша қилди. Бу каби олиб чиқилаётган мавзуларни гапирсак биргина концертнинг таҳлили бир неча бет бўлади. Бироқ, уларнинг ҳаммасини қоғозга тушириш хижолатли иш.



Биз сўз устаси, қизиқчи Ортиқ СУЛТОНОВнинг бу борадаги фикрлари билан қизиқдик.

– Кулгидаги меъёр ҳақида нима дея оласиз?

– Меъёр нафақат кулгида ҳамма нарсада бўлиши керак. Халқнинг менталитети, ўй-фикрлари, дунёқарашидан, яшаш тарзидан келиб чиқиб меъёр белгиланади. Ҳар нарсанинг устидан кулавериш керак эмас.

Бизга устозларимиз касбдан, инсонларнинг жузъий камчиликларидан яъни соқов, пакана ёки новча деб кулинмайди, деб уқтиришган. Шу каби меъёрларимиз бор.

– Аввалги қизиқчиларнинг ҳазиллари билан ҳозирги томошабинни кулдириш мумкинми?

– Албатта! Ҳожибой Тожибоевнинг, Эргаш Каримовнинг ҳазилларини айтсангиз ҳозир ҳам кулишади. Менимча кулги эскирмайди. Агар у ҳаётини бўлса, албатта.

– Ҳозир олиб чиқилаётган бемаъни мавзулар ҳақида қандай фикрдасиз?

– Афсуски, бугунги кунда айрим жамоалар ҳазилни устидан кулиб чиқишмоқда. Шу пайтгача уларни назорат қиладиган ташкилот бўлмади. Саҳналарда ошқора сўкина бошлашди. Ҳар бир мавзунини

олиб чиқавериш керак эмас. Саҳнада гапириш мумкин бўлган ва мумкин бўлмаган нарсалар бор. Бир кун Зокир Очилдиев турмушга чиқмай ўтириб қолган қизлар тўғрисида жуда кулгили ҳажвий шеър ёзибди. Шу шеърни концертда ўқийлик, десам Зокир айтдики, йўқ залда ўтирган тўрт мингта одамнинг ҳеч бўлмаса тўртаси "қариқиз" бўлиши, унинг отаси ёки онаси бўлиши мумкин. Уларнинг кўнглига, шахсиятига тегиб қўймайлик, деди. Мана сизга яна бир мисол. Қизиқчи ордидан одамларни эргаштира олиши, бошқаларга ўрнак бўла олиши керак. Айтадиган гапимизга, ўзимизни тутишимизга эътиборлироқ бўлишимиз лозим. Одамларни кулдирган ҳар қандай одам қизиқчи бўлавермайди. Кулги тўғри йўлга бошламаса қизиқчининг саҳнага чиқишидан маъно йўқ.

Шуқурулло ИСРОИЛОВ, сўз устаси, қизиқчи:

– Менимча кулгида меъёр бўлмайди. Яхши нарса бўлса мазза қилиб куласиз. Халқимизнинг ўзи меъёрсизликка ўрганиб қолди. Аммо бу дегани, фаҳшга тақалган ҳазилларни олиб чиқиш керак дегани эмас. Кулги жамоаларига келсак, яхши мавзуларни ҳам олиб чиқишади. Жамиятдаги камчиликларни кўрсатишади. Тўғри орада бемаъни ҳазиллар ҳам учраб туради. Бу тарафни оқламайман. Уларнинг мухлислари асосан ёшлар, ёшлар эса айнан мана шундай мавзуларни исташади. Мени айтмоқчи бўлган сўзим олиб чиқилаётган ҳар қандай ҳазилдан мақсад бўлиши лозим. Бирор иллатни олиб чиқишдими, охирида унинг зарари ҳақида ҳам огоҳлантириб кетиш лозим.



Санжар ШОДИЕВ, сўз устаси, актёр:

– Кулгида меъёр албатта бўлиши лозим. Қизиқчилик санъатида жузъий камчиликлар устидан кулинмайди фақат маънавий камчиликлар нишонга олинади. Агар кимдир кулдираман деб аёлларнинг либосини кийиб, аёллардек бўяниб чиқаётган бўлса, бу кулдиришнинг энг охири даражаси. Устозларнинг кесатиқ тарзидаги бир гапи бор эди: "Агар ҳеч ҳам кулдира олмасанг аёлингни либосини кийиб чиқ, ҳамма кулади", дейишарди. Бугун шунга амал қиладиганлар ҳам топилапти. Кулги яхши нарса фақат ким томонга қаратилганига боғлиқ. Айрим инсонларни кулдирган ҳазил баъзиларга салбий таъсир қилиши мумкин. Бугун очиқ кулги яъни эркак ва аёлнинг муносабатига тақалиб қолдик. Танқид қиладиганларнинг айримларига ҳам шундай мавзулар ёқади аслида. Кулги жамоалари ҳам жамиятдаги иллатларни ойна қилиб олиб чиқишмоқда, лекин баъзида меъёрдан ўтиб ҳам кетишмоқда. Шу ҳазили билан кимдир ёмон иллатларга ҳавас уйғотиб қўйишдан эҳтиёт бўлиш лозим.

Санъат бу бир гул,

Атрофида парвона булбул.

Эшакка, сигирга гул нимаю, тикан нима?

Яна бир нарсани айтиш керакки, аския санъати бир атиргул, уни атиргулини кўрсатиш керак тагидаги тезагини эмас. Бугун тезак кўрсатиш авж олиб кетди.



Ҳусан МУСАБОЕВ, актёр:

– Ҳар қандай санъатда меъёр деган нарса бор. Олтин ўрталикни ушлаш керак. Ошириб юбориш ҳам керак эмас. Томошабинга етказа олмасангиз ўзингиз кулгига қоласиз. Меъёр мана шу нарсани бир чизикда ушлаб туради. Агар меъёр бўлмаса бачканавозлик бошланади. Кўпчилик санъаткорларнинг хатоси ана ўша чизикдан ўтиб кетишида. Халқ куляпти, деб ҳар нарсани олиб чиқавериш тўғри эмас, халқни ўз ордидан етаклай олиш керак. Кулги юракдан чиқиши керак. Олдинлари "Миниатюра"да устозларимизнинг шундай шиори бор эди: "Оддийликдан гўзалликка, гўзалликдан мураккабликка интилиш керак", дейишарди.

– Ҳозирги кулги жамоаларининг олиб чиқаётган мавзуларига муносабатингиз?


– Бизнинг асосий вазифамиз маънавиятга хизмат қилиш, тўғри йўлга бошлаш. Кулгини орқасидан кетаверсангиз унинг охири йўқ. Авваллари бадий кенгаш жуда яхши назорат қилар эди. Ҳаётни аччиқ-чучугини кўрган одамлар кенгашда ўтиришарди. Айтмоқчи бўлганим, ҳурмат орттирман деб обрўси тўкилаётганини эсдан чиқаришмасин.



Биз бугунги ўзбек кулги санъати ҳақидаги мушоҳадаларимиз билан бўлишдик. Кимдир сўзларимизга қарши чиқиши, муаммо бу даражада жиддий эмаслиги, бунга шунчаки ҳазил сифатида қараш кераклигини даъво қилиши мумкин. Ҳамманинг ихтиёри ўзида! Бироқ эътиборсиз қолдирилган кичкина мавзу албатта бир кун катталашади, "ярага айланади".

Аслида жирканч иллатларга ҳам кўз кўниккач қалб қорая бошлайди. Фарзандларининг илмли бўлишини, соғлом жамиятда яшашини, наслини пок давом эттиришини истаган одам бу вазиятларга қўл силтаб кетмайди. Албатта, хулоса ўзингиздан. Вақтингизни нималарга сарфляпсиз? Кўраётганларингизнинг сизга қандай нафи бор? Малол келмаса, бир йўлб кўринг!

Миржалол МАҲКАМОВ тайёрлади



ЁШЛАР СИЁСАТИ



Сенат Раиси Танзила НОРБОЕВА:

– Давлатимиз сиёсатининг устувор йўналиши бу – ёшларга оид сиёсат бўлиб, унинг мақсади ёшларнинг ижтимоий шаклланиши ва камол топиши, ижодий иқтидори жамият манфаатлари йўлида имкони борича тўла-тўқис рўёбга чиқиши учун ижтимоий-иқтисодий, ҳуқуқий, ташкилий жиҳатдан шарт-шароит яратиш ҳамда уларни кафолатлашдан иборат.



Абдулла АСЛОНОВ, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ҳузуридаги “Ёшлар парламенти” комиссияси раиси:

– “Ёшлар парламенти”нинг ташкил қилиниши бевосита Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 2 мартдаги Фармони билан тасдиқланган Давлат дастурининг 21-банди ижросини таъминлаш билан боғлиқ, Давлат дастурида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг ҳар иккала палатаси ҳузурида Ёшлар парламентларини ташкил этиш ва уларнинг таркибларини шакллантириш тартибини белгилаш назарда тутилган эди. Кенг муҳокамалар ва хорижий давлатлар тажрибасидан келиб чиқиб, 29 июнь куни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Ўзбекистон ёшлар иттифоқи ўртасида Қонунчилик палатаси ҳузурида “Ёшлар парламенти”ни ташкил этиш бўйича битим имзоланди. Мазкур битим билан “Ёшлар парламенти” Республика комиссияси, Низоми, Регламенти ва ташкилий тузилмаси тасдиқланди. Парламентнинг тузилиши ва фаолиятининг шакли жиҳатдан Қонунчилик палатасига мос равишда шакллантирилган. Бу эса ўз навбатида, ёшларнинг парламент фаолиятини яқиндан билишига хизмат қилади. Мазкур парламентнинг Ёшлар иттифоқи билан ҳамкорликда тузилганлиги эса, қонун ижодкорлиги жараёнига кўпроқ ёшларни жалб қилиш имкониятини беради.

Мамлакатимизда олиб борилаётган ёшларга оид давлат сиёсати ўз самарасини бермоқда. Хусусан, юртимиз ёшларини сиёсий фаол қатламга айлантириш ҳамда уларнинг сиёсий-ҳуқуқий билим ва кўникмаларини амалда бойитиш, қонунчилик ва қонун ижодкорлиги жараёнига ёшларни жалб қилиш ва қабул қилинаётган қонунларни ёшлар орасида кенг тарғиб қилиш орқали уларнинг парламент ҳаётига дахлдорлигини ошириш мақсадида Ёшлар парламенти ташкил этилди.

Шуни айтиб ўтиш керакки, Ёшлар парламенти қарорлари расмий кучга эга бўлмайди, тавсиявий характерга эга бўлади. Мазкур тузилма ҳақидаги саволларимизга Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ҳузуридаги Ёшлар парламенти раиси ўринбосари Нодирбек МУРОДОВ жавоб берди.

– Ёшлар парламентининг ташкил этилиши мамлакатимиз сиёсий ҳаётида қанчалик муҳим деб ўйлайсиз?

– Халқаро тажрибадан кўрамизки, Ёшлар парламентига ўхшаш лойиҳалар мавжуд бўлиб улар жуда ҳам фаол. Кузатишларим натижасида шуни айта оламаники, ёшларга қаратилган лойиҳаларга бизнинг мамлакатда бўлганичалик эътибор қаратилмаган. Бизда ташкил этилган Ёшлар парламентининг асосий мақсади ёшларнинг қонуний ҳуқуқ ва манфаатларини қўллаб-қувватлаш, уларнинг ҳуқуқий онги ва саводхонлигини ошириш, қонунчилик ва қонун ижодкорлиги жараёнига ёшларни жалб қилиш ва қабул қилинаётган қонунларни ёшлар орасида кенг тарғиб қилиш орқали уларнинг парламент ҳаётига дахлдорлигини оширишда иштирок этишдан иборатдир. Эътибор нимада кўринади, дейилса аниқ айта оламаники, ҳар бир аъзога ўсишида, шахсий лойиҳаларини амалга оширишда ёрдам берилади. Ёшлар парламенти аъзолари кейинчалик ўз номзодларини вилоят, туман, шаҳар депутатлигига тавсия этиши мумкин. Парламент – ҳар бир ёшнинг сиёсий карьерасини бошлашга амалий ёрдам беради, маълум маънода мактаб вазифасини ўтайди.

– Биламизки, бизда мавжуд сиёсий партиялар, керак бўлса Парламентга ҳам кўплаб сиёсатшунослар “мудроқ босган” дея таъриф беришади. Яъни сайланиб олгунга қадар депутатлар фаол бўлади. Сайловдан кейин эса уларни ҳатто кўрмаймиз ҳам. Ёшлар парламенти ҳам шундай тузилма бўлиб қолмаслиги учун қандай ишлар йўлга қўйилган?

– Ёшлар парламенти сиз юқорида таъриф берган тузилмага айланб қолмаслиги учун, биз айнан саралаш босқичларидан тортиб охириги босқичгача Ёшлар парламенти аъзолигига сиёсий партияларнинг Республика ташкилотлари томонидан турли йўналишларда фаолият олиб бораётган ташаббускор, юксак маънавиятли, давлат ва жамият қурилиши соҳасида етарли билимга эга бўлган, ёшларни ўз ортидан эргаштира оладиган, лидерлик қобилиятига эга бўлган ёшларни олганмиз. Бизда бўлиб ўтган ҳар иккала чақириқда ҳам ёшлар фаол иштирок этган. Ҳар битта фракциядан 3-4 нафар аъзонинг шахсий лойиҳалари мавжуд. Жамият учун зарур лойиҳалар ишлаб чиқишда жамоа билан биргаликда фаол ҳаракат қилишмоқда. Лекин, тан олишимиз керак инсон фактори, камчиликлар бўлиши мумкин. Шундай ҳолатларда, фаолиятида сустралган аъзоларга ўз касби ва қизиқишидан келиб чиқиб тавсиялар берамиз. “Мудроқ босиш” ҳолати бўлмаслиги учун мулоқот бўлиши керак. Партия билан биргаликда ишлашда давом этиш керак.

– Ёшлар парламенти ўз фаолиятида қандай принципларга амал қилади?

– Ёшлар парламентининг асосий мақсад ва вазифаларидан келиб чиқиб айта оламаники, парламент ўз фаолиятида қуйидаги принципларга амал қилади: Ёшлар парламенти, ёшларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳамда қонуний манфаатларини ҳимоя қилишга оид қонун ҳужжатларини такомиллаштириш юзасидан таклифлар ишлаб чиқади, қонун ижодкорлиги ва ҳуқуқни қўллаш амалиётининг долзарб муаммоларини ёшлар иштирокида муҳокама қилади ҳамда таклифлар ишлаб чиқади, ёшларни ўйлантираётган масалалар юзасидан уларнинг иштирокида муҳокамалар ўтказади, ёшларда ватанпарварлик руҳини кучайтириш мақсадида турли тадбирларни ташкил этади ва ташаббусларни илгари суради, ёшларни парламент фаолияти ва қонун ижодкорлигининг барча босқичларидан хабардорлигини ошириш мақсадида кенг тарғибот тадбирларини амалга оширади, Қонунчилик палатасининг фаолияти ва қабул қилинаётган қонунларнинг мазмун-моҳиятини ёшларга етказиш мақсадида оммавий ахборот воситалари орқали чиқишлар қилади, хорижий мамлакатларда таҳсил олаётган ва меҳнат қилаётган ёшларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишга қаратилган тадбирларни амалга оширишда Қонунчилик палатасига, Ёшлар масалалари бўйича комиссия розилиги асосида бошқа мутасадди ташкилотларга кўмаклашади, шунингдек, Ёшлар парламенти амал қиладиган энг асосий принципларидан бири бу ёшларга оид қонунчиликдаги ҳуқуқий бўшлиқларни аниқлаш ва қонунчиликни такомиллаштириш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш.

– “Ёшлар парламенти”да сайлаш ва сайланиш ҳамда муддатлари қандай тартибга солинади?

– “Ёшлар парламенти”га сайловни ташкил этиш ва ўтказиш учун Республика комиссияси томонидан сайловга камида ўн беш кун қолганида Ўзбекистон Республикаси ҳудудидаги барча туман (шаҳар)ларда туман (шаҳар) комиссияси тузилади. “Ёшлар парламенти”га 18-30 ёшдаги Ўзбекистон фуқароси 2 йил муддатга сайланади. “Ёшлар парламенти”га аъзоларни сайлаш учун ҳудудий комиссиялар ташкил этилади. Комиссия 2 босқичда сайлов жараёнларини ташкил қилади. Биринчи босқичда номзодлар ўзининг сайловолди дастури тақдимоти билан туман (шаҳар) комиссиясида иштирок этади. Биринчи босқич якуни бўйича комиссия 5 нафар номзодни (ҳар бир сиёсий партия бир нафардан) яширин овоз бериш йўли билан сайлайди. Иккинчи босқичда номзодлар сайловолди дастури тақдимоти билан тегишли туман (шаҳар) халқ депутатлари Кенгашида иштирок этади. Тегишли туман (шаҳар) халқ депутатлари Кенгаши 1 нафар номзодни яширин овоз бериш йўли орқали сайлайди.

Умида ҲАҚБЕРДИЕВА тайёрлади

СУНЪИЙ ИНТЕЛЛЕКТНИНГ ЗАМОНАВИЙ ЖУРНАЛИСТИКАГА ТАЪСИРИ

Сунъий интеллект ҳақида сўз борар экан, аввало унинг бизнесдаги ва ахборот технологиялардаги ўрнини таҳлил қилиш лозим. Сунъий интеллект ўзи нима? Қандай имкониятлари мавжуд? Нима учун журналистикага таъсири деярли?

“Сунъий интеллект” – бу инсоннинг когнитив функцияларини тақлид қилиш (шу жумладан ўз-ўзини ўрганиш ва олдиндан белгиланган алгоритмсиз ечимларни топиш) ва ҳеч бўлмаганда инсон интеллектунинг фаолияти натижалари билан таққосланадиган аниқ вазифаларни бажаришда натижаларга эришиш имконини берувчи технологик ечимлар тўпламидир.

Оддий қилиб айтганда, сунъий интеллект тизими – бу авваллари одамларга хос бўлган функцияларни бажаришга қодир компьютер. Авваллари “сунъий интеллект” атамаси фақат одамлар бажариши мумкин бўлган, масалан, мижозларга хизмат кўрсатиш ёки шахмат ўйнаш вазифаларни бажариш учун қўлланилган. Шунингдек, компьютер технологияларини чуқур ўрганишга ҳам сунъий интеллект сифатида қаралган. Лекин мижозларга хизмат кўрсатиш, турли онлайн ўйинлар ва компьютер технологияларини чуқур ўрганиш каби сунъий интеллект технологияларининг кичик қисми ҳисобланади. Тўғри, сунъий интеллект технологиялари одамлар бажарадиган вазифаларни автоматлаштириш орқали самарадорликни оширишга ёрдам беради. Бироқ, эндиликда унинг қамрови кенгаймоқда, ҳозирда сунъий интеллект билан одамларнинг характерини, ўқувчиларнинг қобилиятларини, ходимнинг ишга бўлган қарашларини аниқлаб олиш мумкин.

ТУРЛАРИ

Сунъий интеллект тизимларининг асосий таркибий қисмлари ахборотни қидириш, сақлаш ва ўзгартириш имконини берувчи билимлар базасидир.

Атроф-муҳит идрокига кўра, сунъий интеллект тизимларини тўрт турга бўлиш мумкин.

Биринчи тур: реактив ёки реактив тизим (атроф-муҳитни сезиши ва жавоб бериши мумкин).

Иккинчи тур: чекланган хотирага эга тизим (олдинги тажрибага асосланган ҳолда ўз хатти-ҳаракатларини сошлаш имкониятига эга).

Учинчи тур: ақлли тизим (фикр ва ҳис-туйғуларни таниб олиш қобилиятига эга).

Тўртинчи тур: сунъий ўз-ўзини англаш тизими (у ўзи ҳақида ғояни шакллантириши мумкин ва ақлий қобилиятлари бўйича одамдан кам эмас).

ТАРИХГА НАЗАР

Сунъий интеллект соҳасида ўтган асрнинг ўрталаридан бошлаб тадқиқот ишлари бошланган. Инглиз математики ва криптографи Алан Тьюринг (1912-1954) мазкур йўналишда илк тадқиқот муаллифи ҳисобланади.

Хусусан, 1950 йили технологиялар имкониятлари инсонларни ақл жиҳатдан орта қолдириши ҳақида саволларга асосланган мақола чоп этилган. Унинг муаллифи Алан Тьюринг эди. Кейинчалик олим ўзининг номи билан аталган “Тьюринг тести” тартибини ишлаб чиқди. Мақола чоп этилгандан сўнг сунъий интеллект соҳасида янгидан-янги тадқиқотлар амалга оширилди. Ушбу давр мобайнида олим қарашларини ўзгартирмаган ҳолда фикрлашда инсондан фарқ қилмайдиган машиналар ҳақида ҳам турли фикрлар билдира бошлаган.

ЖУРНАЛИСТИКАГА ТАЪСИРИ

Журналистикага катта эътибор қаратилаётган бир пайтда сунъий интеллектнинг ўрни ҳам сезиларли даражада юқорилаб бораётганини кўришимиз мумкин. Ҳозирги кунда технологик тараққиёт ҳамда алгоритмларнинг ривожланиши медиа ташкилотларига маълумотларни йиғиш, таҳлил қилиш ва тақдим этиш билан боғлиқ кўплаб жараёнларни оптималлаштириш имконини бермоқда. Бироқ, сунъий интеллектнинг барча афзалликларига қарамай, уни қўллашда маълум хавфлар мавжуд. Масалан, автоматик тарзда яратилган янгиликларга ишонч муаммоси мавжуд. Яъни сунъий интеллект сохта маълумот яратиш ёки маълумотни манипуляция қилиш учун дастурлаштириши мумкин. Унинг журналистикага киритилиши сўз эркинлиги ва оммавий ахборот воситалари экотизимнинг айрим жиҳатларига ҳам таъсир қилиши мумкин. Биринчидан, жараёнларни автоматлаштириш журналистлар сонининг қисқаришига олиб келиши мумкин, бу эса ўз навбатида ОАВдаги фикрлар ва овозлар хилма-хиллигига таъсир кўрсатади. Шунингдек, ходимларнинг қисқариши оммавий ахборот воситаларининг қудратини оз сонли йирик ўйинчилар қўлида тўпланишига олиб келади. Бу эса плюрализм ва ахборот хилма-хиллигига таҳдиддир.

Дениз ВАГНЕР,
ЕХХТнинг ОАВ эркинлиги
бўйича вакили бюросининг катта
маслаҳатчиси:

– ChatGPT (Chat generative pre-trained transformer) – OpenAI томонидан яратилган сунъий интеллект чатботи бўлиб, турли саволларга жавоб бериши, дастурчилар учун код ёзишга ёрдам бериши, талабалар учун эса курс ишларини ёзиб бериши мумкин. Бот ҳаттоки шеър ва иншолар ҳам ёза олади.

Ижтимоий тармоқларда ChatGPTни “Google қотили” деб ҳам аташмоқда. Бот 1 миллион фойдаланувчига эга бўлиши учун атиги беш кун кетган. Таққослаш учун Netflix шунча фойдаланувчини 3,5 йилда, Facebook 10 ойда, Spotify 5 ойда, Instagram 2,5 ойда йиға олган.

Январь ойига келиб ChatGPT фойдаланувчилари 100 миллиондан ошган. Бундан ташқари, ChatGPTнинг муҳим хусусияти унда хотира мавжуд. Бу орқали у суҳбатнинг тафсилотларини эслаб қолади, ўрганади ва аввалги маълумотларга таяниб, мулоқотни давом эттиради.

– Ундаги муаммолар ҳақида ҳам тўхталиб ўтсангиз.

– Чатботлар интернетда жойлаштирилган катта ҳажмдаги маълумотларни ўзлаштириб, янги кўникмалар ўрганар экан, ҳақиқий фактлар ва ёлгонларни аралаштириб юбориши, нотўғри фикр ва ҳақоратли сўзлардан фойдаланиши мумкин. Масалан, 2016 йилда Microsoft томонидан ишлаб чиқилган Тай чатботи тезда сўкинишни ва ирқчи сўзлардан фойдаланишни ўрганган эди.

Ҳақоратли контент пайдо бўлишининг олдини олиш учун ChatGPTга маълум модерация тизимлари ўрнатилган. У ҳеч қандай масала бўйича шахсий фикр билдирмайди, ирқи ёки жинси йўқ. Шу билан бир қаторда, у қонунни қандай бузиш ҳақида матнлар яратишга тўсқинлик қилувчи филтрларга эга.

Гулнора БОБОЖОНОВА,
Ўзбекистон Журналистларни қайта
тайёрлаш маркази директори:

– Ҳозирда сунъий интеллектнинг соҳаларга жорий этилиши учун турли сабаблар келтирилмоқда, улардан учта энг асосийсини келтириб ўтишга ҳаракат қиламан. Биринчиси, арзон нархлардаги юқори самарали ҳисоблаш ресурслари. Иккинчиси, таълим учун катта ҳажмдаги маълумотларнинг мавжудлиги. Сунъий интеллект маҳсулининг аниқ прогнозларни амалга ошириши учун у катта ҳажмдаги маълумотларни қайта ишлаши керак. Ушбу омил сабаб турли воситалар, хусусан, маълумотларни сақлаш ва қайта ишлашнинг оддий ҳамда арзон воситалари, турли хил алгоритмлар яратилди.

Учинчиси, сунъий интеллект маҳсулотлари рақобатбардошликни мустаҳкамлайди. У компаниялар харажатларини ва хавфларни камайтириши, бозорга чиқиш имкониятини кенгайтириши ҳамда бошқа фойдали омиллар учун кўплаб воситаларни тақлиф қила олади. Натижада сунъий интеллект жорий этилган компаниялар рақобатга анчайин чидамли бўлади. Аммо барча соҳаларда бўлгани каби ушбу турдаги инновацияларни жорий этишда ҳам қатор қийинчиликлар мавжуд. Хусусан, малакали кадрларнинг етишмаслиги ҳамда уни жорий этиш учун маълумотларнинг камлигидир. Сабаби, маълумотлар қанчалик кўп бўлса, сунъий интеллект башоратларининг аниқлиги шунчалик юқори бўлади, деб ўйлайман.

Дилнура МАМАСАФОВЕВА
тайёрлади



МЕНИ КЕЧИМ, ОЖАСИ...



Ўттиз ёшгача уйланиш ҳақида ўйламаган эдим. Сабаби, пул топиш учун тинмай ҳаракат қилардим. Мени уйлаш пайига тушган яқинларимга аввал дўкон очиб олай кейин уйланаман дердим. Дўкон очгач, машина олиш истаги пайдо бўлди. Бу тилакка ҳам етганда дўконни янада кенгайтириш хоҳиши туғилди. Хуллас, бир зумда ёшим ўттизга қоралади. Шундан сўнг отам мени қийин қистовга олди.

– Сен бола, мени алдама, бирор айбинг борми? Нега уйланишни орта суряпсан. Мен ҳам, онанг ҳам қариб қолдик. Акаларинг бўлак чиқишган. Онанг ҳам шу ёшида овқат қилиб, кир ювиб юрадими? Ё кўнглинда бирортаси борми? – деб сўради. Бошимни ерга эгганча:

– Дада, яна бироз ишлай, шаҳардан дом олволай, сўнг уйланаман, – дедим.

– Йўқ, дом-помингни билмайман. Ҳамма хоҳишинга кўниб келдик, вассалом. Ўттизга чиқдинг. Сен тенгилар боласининг суннат тўйини қилишяпти. Танлаганинг бўлса айт, акс ҳолда ўзимиз келин топамиз, – отамнинг овози қатъий янгради.

У бўлади дедими, демак бўлиши шарт! Аввалига индамадим. Тўғрироғи, кўнглимдаги аёл ҳақида оғиз очолмадим. Муҳайё билан анча аввал танишгандим. Жуда ҳам очиқ, хушмуомала ва муҳими қалбимга йўл топишни биладиган аёл эди у. Фақатгина бир йигит томонидан алданганди. Илк учрашувимиздаёқ “Фарҳод ака, мен алданган аёлман. Ҳаётда бир марта қоқилдим”, деб очик айтганди. Унга уйланишни истардим. Аммо оилам бунга кўнмаслиги аниқ. Эртаси куни ишга кетишим олдидан отам:

– Тўхта, танлаганинг бўлса айтиб кет. Бўлмаса бугун амманг топган қизнигина совчиликка боришади, – деди. Дилимдагини зўрға тилимга чиқариб, Муҳайё ҳақида айтдим. Гапларимни индамай эшитган падарим шартта:

– Бу аёл сенга хотинлик қилмайди. У сенинг тўрт танганг ва машинанг учун бўйнингга осилиб олган. У билан алоқани уз, вассалом, – деди. Бошқа гап гапириш ноўрин. Чорасиз қолиб амман топган қизга уйланишга рози бўлдим. Ақлли, кўҳликкина Соҳиба мендан ўн ёш кичик эди. У ибодат, хушмуомала қиз бўлгани билан менинг хаёлим Муҳайёда бўларди. Маъшуқам менга нима ёқинини имошораданоқ биларди. Соҳиба эса... аксинча қанча таъкидламай, барибир кўнглимдагидек иш қилмасди. Кир ювиши, дазмол қилиши ва ҳатто овқати ҳам менга ёқмасди. Шу сабаб тўйимиздан бир ҳафта ўтибоқ кичик жанжаллар пайдо бўлди. Аёлимга нисбатан кўнглимда илиқлик йўқ эди. Унга совуқ муносабатда бўлардим. У мен учун ота-она орзуси эди, холос. Шаҳарга яқин туманда яшаганимиз учун ишга машинада қатнардим. Уйланганим ҳақида Муҳайёга пом-мим демадим. Деярли ҳар куни у билан кўришардик. Унинг ширин сўзлари, ёқимли ифори жон олгудек мастона кўзлари қаршисида таслим бўлардим. Ҳатто оилали эркак эканлигим ҳам ёдимдан чиқарди. Муҳайёнинг арази ҳам чиройли эди. Соҳиба билан иккисини солиштирардим. Табиийки, менинг кўнглимни ўзига мафтун этган Муҳайё тарозининг паласини босиб турарди. Рафиқам ўта сабрли экан. Менинг совуқ муомаламга, телефондаги кўрс муносабатимга ҳам чидарди. Ишдан келишим билан очиқ чехра билан кутиб олар, дарров овқат

келтирар, меҳрибонлик қиларди. Аммо унга нисбатан кўнглимда илиқлик туймаганим учун кўпол муомала қилардим. Бир куни хотиним телефонимга келган СМСни ўқиб қолди ва менга қараб: “Бу аёл ким?” деб сўради. Мен эса жавоб беришни истамадим. Кўрққан олдин мушт кўтарар қабилда унга бақириб бердим: “Ишинг бўлмасин. Яна бир марта телефонимга тегсанг, мендан кўрасан”. У эса индамади. Юм-юм йиғлаб уйга кириб кетди. Бизнинг бақир-чақиримизни эшитган дадам, секингина келиб мени ёнига чақирди.

– Нима гап? Яна бошлагинми? Келинга яхши муомала қил. У сени куни билан кутади. Қара, борган сари сўлиб боряпти, – деди босиқлик билан. Чиндан ҳам гулга ҳам эътибор бермаси сўлиб қолади. Аёл киши ҳам эри томонидан суйилмаси, қадранмаси сўлгин бўлиб қоларкан. Унинг кўзларида маҳзунлик акс эта бошлаганди. Бироқ мен уни ўйлашни истамадим ҳам.

– Ота ўзингиз олиб бердингиз, мендан бошқа муомала кутманг, – деганча чиқиб кетдим. Соҳибага уйланганимдан сўнг омад қилиб боқадиганини ҳис қилардим. Шаҳардан иккинчи дўконимни очгач, уйга кам келадиган бўлдим. “Меҳмонхонада қоляпман”, деб уйдагиларни алдардим. Ҳафтадаги икки оқшомни Муҳайёга бағишлардим. У билангина ўзимни хотиржам ҳис қилардим. У ҳамон менинг оилали бўлганимни билмасди.

Тўйимизга уч ой бўлди. Бир куни тонг саҳарда хотиним мени уйғотди.

– Туринг, сизга бир янгликни айтишим керак, – деди. Унинг юз-кўзидан хурсандлиги кўриниб турарди.

– Нима экан? – дедим уйқумни бузгани ёқмай. – Бирпас сабр қилиб туролмадингми?

– Йўқ, ҳозиргина аниқладим. Сизга айтмасам бўлмайди. Ахир ўзингиз тезроқ фарзандли бўлишни хоҳлайман, дердингиз-ку, – деди содаларча. Пиқиллаб қилиб юбордим.

– Шунга айтиш учун ширин уйқудан уйғотдингми? – Кўзлари қилиб турган хотиним бирдангина маҳзун бўлиб қолди.

– Кечирасиз, хурсанд бўласиз, деб ўйлабман, – деганча нари кетди. Унинг кўнглини оғритиб қўйганимни сездим.

– Бунақа гапларни уйқудан туриб, юзини ювгандан кейин айтади-да, – дея ўрнимдан турдим. Ювиниб келиб, хурсандлигимни изҳор қилдим. “Илоҳи соғомон туғилсин”, деб аёлимнинг юзидан ўлиб қўйдим. Бу тўйдаги биринчи кечадан кейин илк гапирган ширин муомалам эди. Хушxabарни эшитган ота-онамнинг қувончи чексиз эди. Ўзим ҳам ўттиз ёшимда ота бўлишни эшитиб шодландим. Кўпроқ унга эътибор беришни хоҳлардим. Бироқ Муҳайёнинг ишқи хаёлимни тарк этмасди. У менга кўнғироқ қилмасди. Аксинча мен уни соғиниб қолардим.

Ўғлим туғилганда роса қувондим. Бола аёлим иккимизни бир муддат яқинлаштиргандек бўлди. Ўғилли бўлганимдан сўнг Муҳайё кимдандир менинг уйланганимни эшитиб қолиб, роса жанжал қилди. “Мен сизга ишониб турмуш қурмай юргандим”, деб кўз ёш тўқди.

– Жоним, мен фақат сени дейман. У ота-онамнинг хизматини қилиш учун керак, – деб уни ишонтиришга уриндим.

– Бола-чи? – деб сўради аламли кўз ёш билан – осмондан тушмагандир...

– Бола эркаклик вазифам сабаб дунёга келган, – деб кўя қолдим.

Хуллас, униси билан ҳам, буниси билан ҳам яшашни давом эттиравардим. Ўғлим ширин бўлиб, “дада” дейишни бошлаганда оилам муҳимлигини ҳис қилдим. Соҳиба Муҳайё ҳақида биларди, сезарди, аммо менга индамасди. Биринчи боламиз бир ёшдан ошганда иккинчи ўғлим туғилди.

Муҳайё телефонимдан хотинимнинг рақамини топиб, унга кўнғироқ қилибди. У ҳақда айтган гапларимни ҳаммасини айтибди. Аёлим эса: “Эр меники, кўяверинг, ўзимиз ҳал қиламиз”, деб гўшакини қўйибди. Муҳайёдан бу гапларни эшитиб даҳшатга тушдим. “Нега унга кўнғироқ қиласан”, деб бақирдим. “Яхши бўпти. Сизга алдаш қандайлигини кўрсатиб қўяман. Энди уйингизга бораман”, деди алам билан. “Бор-э”, деб қўл силтаб чиқиб кетдим. Уйга кириб борарканман, Соҳибанинг кўзларига қарай олмасдим. Унинг шишган қоқоқларидан йиғлаганини пайқаш қийин эмасди. Хаёлан “Ҳозир иккита ўғлимни ҳам олиб чиқиб кетса керак”, деб ўйладим. Йўқ, у кетмади. Фақатгина “Аёлинг сўзлари ростми?” деб сўради. “Ҳа, рост. Аммо бу гап билан менинг тилимни қисиб қўёлмайсан. Мен эркак кишиман!” дедим паст келишни истамай. У эса: “Нега болаларим кўп касал бўлади десам, эрим зинокор экан. Сиз қилган гуноҳ болаларимга урмасин, деб худого илтикор қиламан. Инсофни ўзингизга берсин” деб жавоб қилди. Музлаб қолдим. Анча вақтгача Муҳайё билан кўришмадим. Бироқ у мендан узоклашгиси келмасди. Кўнғироқ қилиб кечирим сўради. Мен эса кечирдим.

Соҳиба мендаги ўзгаришни сезди. Яна маъшуқам билан топишиб олганимни пайқади. Ўзга аёлни ўлиб бағримга босардим, аммо мен учун ўғиллар туғиб берган аёлимга ширин гапиришни истамадим. Ҳамон кўпол муомала қилардим. Рости, фақат болаларим учунгина у билан яшардим. Бир куни телефон жиринглади. “Жоним” деган ёзувни кўрган хотиним “Яна ўшами? Нега жоним деб ёзиб қўйдингиз?” деб сўради. “Сенга нима фарқи бор? Ишинг бўлмасин”, деганча чиқиб кетдим. У эса ортимдан йиғлаб қолди. Ўша куни кечқурун автоҳалокатга учрадим. Докторлар аранг жонимни сақлаб қолишди. Операциядан сўнг ноғиронлик аравачасига михландим. “Яхши парварिश бўлса, албатта юриб кетасиз”, дейишди шифокорлар. Мен менсимаган, ёқтирмаган, лоақал ширин гапимни қизғонган рафиқам менга меҳрибонлик қилди. Бирор марта бўлсин “Мени ранжитгандинг”, демади. Аксинча оқ ювиб, оқ таради. Энг қийин вазиятларда чинакам елкадош бўлди. Мен эса унинг кўнглига озор берганим, яхшилигини билмаганим учун шу қўйга тушганимни англаб етдим. Муҳайё эса мен олган домни ўзининг номига расмийлаштириб олган экан. Юролмаё қолганимни эшитиб, умуман кўринмай кетди. Уч йил ўрнимдан туролмадим. Соҳиба эса бирор марта бўлсин кўпол гапирмади. Аксинча оёққа туришимга кўмаклашди. Аёлимнинг сабри ва матонати билан яна юриб кетдим. Бугун оилам тинч, кўнглим хотиржам. Рости, Соҳибанинг олдида бош эгишга ҳам тайёрман.

Саида АЗИЗ

TOSHKENT OQSHOMI

Манзил: 100029,
Тошкент шаҳри, Махтумқули
кўчаси, 49

Телефонлар:
Қабулхона (71) 233 61 10
Реклама (71) 233 28 95

2007 йил 19 январда Тошкент шаҳар
Маъбуот ва ахборот бошқармасида
02-001-рақами билан рўйхатга олинган

“NISO POLIGRAF”
МЧЖ босмахонаси.

Нашр учун масъул
З. НАЗАРОВ

Тошпириш вақти 00:55
Тошпирилди 05:00
Буюртма -



МУАССИС:
ТОШКЕНТ ШАҲАР
ҲОКИМЛИГИ

Бош мухаррир
Севдо НИЁЗОВА

Тахририятга келган қўлёзмалар қайтарилмайди ва ёзма жавоб берилмайди.
Газетада босилган мақолалар учун муаллиф жавобгар, унинг фикри тахририят фикридан фарқ қилиши мумкин. “Тошкент оқшомини” материалларидан фойдаланилганда манба кўрсатилиши шарт.

Манзил: Тошкент вилояти, Ўрта
Чирчиқ тумани, “Машғал”
маҳалласи, Марказий кўчаси, 1-уй

Ҳажми — 2 босма табоқ, офсет
усулида босилди. Адади 500
нуска, қозғ бичими А3

Газета тахририят
компьютер марказида
сахифаланди

